

БУХОРО ВИЛОЯТИДА СОВЕТ ДАВРИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА МАКТАБЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Бобожонова Феруза Ҳаятовна

Бухоро давлат университети доценти, т.ф.н.

ORCID: 0000-0002-3255-2286

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19054218>

Аннотация. Мақолада Бухоро вилоятида халқ таълими ва мактаблар тараққиёти тарихи ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек мақолада мактаблар тўғрисида қабул қилинган бир қанча қарорлар келтирилган. Бухородаги бошланғич тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар йиллар кесимида таҳлил қилиб берилган. Мазкур мақолада Бухоро вилоятида совет даврида халқ таълими тизимининг шаклланиши, мактаблар тармогининг ривожланиши, саводсизликни тугатиши ҳаракати ва таълим соҳасидаги ислохотлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: мактаб, совет мактаб, маориф, совет ҳукумати, ўқувчи, ўқитувчи, синф, бошланғич таълим, дарсликлар, Ўзбекистон ССР, ўрта мактаблар, ислохотчилик, таълим, ўқув йили, кечки мактаблар, савод, илм.

РАЗВИТИЕ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ШКОЛ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД

Аннотация. В статье приводятся сведения об истории развития народного образования и школьного дела в Бухарской области. Также рассматриваются ряд постановлений, принятых в отношении школ. Проанализировано развитие начальных, неполных средних и средних школ Бухары в разрезе различных лет. В статье исследуются процессы формирования системы народного образования в Бухарской области в советский период, развитие сети школ, движение по ликвидации неграмотности и реформы в сфере образования.

Ключевые слова: школа, советская школа, народное образование, советская власть, ученик, учитель, класс, начальное образование, учебники, Узбекская ССР, средние школы, реформы, образование, учебный год, вечерние школы, грамотность, наука.

THE DEVELOPMENT OF PUBLIC EDUCATION AND SCHOOLS IN BUKHARA REGION DURING THE SOVIET PERIOD

Abstract. The article provides information on the history of the development of public education and the school system in the Bukhara region. It also discusses a number of resolutions adopted concerning schools. The development of primary, incomplete secondary, and secondary schools in Bukhara is analyzed over different years. The article examines the formation of the public education system in the Bukhara region during the Soviet period, the expansion of the school network, the movement to eliminate illiteracy, and reforms in the field of education.

Keywords: school, Soviet school, public education, Soviet government, student, teacher, class, primary education, textbooks, Uzbek SSR, secondary schools, reforms, education, academic year, evening schools, literacy, science.

Кириш

XX асрнинг бошларида Марказий Осиёда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берди. 1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилиб, унинг ўрнида янги давлат тuzилмалари пайдо бўлиши билан таълим соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга

оширилди. Совет ҳокимияти халқ таълими тизимини жамиятни социалистик йўналишда ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида кўрди.

Бу даврда Бухоро худудида таълим тизими тубдан ўзгариб, анъанавий мадраса ва мактаблар ўрнига янги турдаги давлат мактаблари ташкил этилди. Саводсизликни тугатиш, аҳолининг барча қатламларини таълимга жалб қилиш, мактаблар тармоғини кенгайтириш ва педагог кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан бирига айланди.[13;12].

Совет ҳокимияти ўрнатилиши ва таълим соҳасидаги дастлабки ўзгаришлар тўғрисида маълумот берадиган бўлсак, 1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилгандан кейин Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилди. Янги ҳокимият таълим тизимини ислох қилишни муҳим вазифалардан бири сифатида белгилади.

Амирлик даврида таълим асосан диний мактаб ва мадрасаларда амалга оширилди, ўқув дастурлари диний билимлар билан чекланган эди. Янги ҳокимият эса дунёвий таълимни жорий этишни мақсад қилди.

1920–1924 йилларда қуйидаги ишлар амалга оширилди: янги усулдаги мактаблар ташкил этилди; ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди; болаларни давлат мактабларига жалб қилиш бошланди; ўқитувчилар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Бу даврда таълим тизими ҳали шаклланиш босқичида бўлиб, мактаб бинолари, ўқув қўлланмалари ва кадрлар етишмаслиги каби муаммолар мавжуд эди. Шунга қарамай, қисқа вақт ичида янги мактаблар сони ортди.[14;22].

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши 1924 йилда ўтказилди. 1925 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг маърузасида республикадаги мактабларнинг аҳоли таҳлил қилинди.[3;12].

Бухорода саводсизликни тугатиш сиёсати олиб борилди. 1920–1930 йилларда совет ҳокимиятининг асосий мақсадларидан бири аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш бўлди. Бу жараён “ликбез” (ликвидация безграмотности) деб аталган. Бу даврда Бухоро худудида: катталар учун кечки мактаблар; савод чиқариш курслари; махсус ўқув марказлари ташкил этилди.[17;12].

Совет ҳукумати совет мактабини ўзбек халқининг маданиятини юксалтиришда муҳим воситалардан бири деб ҳисоблар эди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 1925 йил 30 августда “РСФСРда умумий бошланғич таълимни жорий қилиш ва мактаблар қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарор маҳаллий Советларга умумий бошланғич таълимни босқичма-босқич жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни тайёрлашда йўл-йўриқ бўлди [2;41].

Шу сабабдан Ўзбекистон ССРда 1924–1929 йилларда совет мактаблари сонини кенгайтиришга асосий эътибор қаратилди. Бу жараёнда Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР ҳукумати вакили сифатида иштирок этди. У съездда тожик, ўзбек ва рус тилларида маъруза қилиб, ёш совет республикаси олдида турган асосий вазифалардан бири ёшларни саводли қилиш эканлигини таъкидлади [4;77–78].

Совет даврида мактабларнинг кундалик ҳаёти қатъий тартиб асосида ташкил этилган. Ўқув кунининг бошланиши, унинг ўтказилиши, ўқувчиларнинг октябрят, пионер ва комсомол каби жамоат ташкилотларида иштироки сиёсий жиҳатдан назорат қилинган [5;762].

1924 йилда республикада бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар сони 903 та бўлган. Ўқувчилар сони эса олдинги йилларга нисбатан бир неча баробарга ошган.

Саводсизликни тугатиш ҳаракатига ўқитувчилар, талабалар ва давлат ташкилотлари жалб қилинди. Айниқса қишлоқ жойларда бу ишларга катта эътибор қаратилди. Аёллар ўртасида ҳам таълимни оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Натижада 1930-йиллар охирига келиб аҳолининг катта қисми саводли бўла бошлади.

1930-йиллар охирига келиб Бухорода 82 та бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб фаолият кўрсатган [6;5].

1931 йилда умумтаълим мактабларида ўқувчилар сони ҳар 1000 аҳолига 106 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич таълим соҳасидаги ўсишни яққол кўрсатади [10;54].

Бухорода 1930–1940 йилларда мактаблар тармоғи ўзгача ривожланди. 1930-йилларда Бухоро вилоятида мактаблар тармоғи кенг ривожлана бошлади. Давлат томонидан таълим соҳасига катта маблағлар ажратилди. Бу даврда: бошланғич мактаблар сони кўпайди; етти йиллик мактаблар ташкил этилди; қишлоқларда янги мактаб бинолари қурилди. 1935 йилда эса 658,4 минг киши мактабларга жалб этилди. Бу 1934 йилга нисбатан 12 фоизга кўп бўлган [8;310–311].

1930-йиллар охирига келиб Бухоро ҳудудида ўнлаб умумтаълим мактаблари фаолият кўрсата бошлади. Мактабларда математика, табиатшунослик, тарих ва адабиёт каби фанлар ўқитилди. Шу билан бирга, таълим мазмуни коммунистик мафкура асосида ташкил қилинган. Ўқувчиларга совет давлатининг ғоялари ва социалистик тарбия сингдирилган.

Бухорода иккинчи жаҳон уруши йилларида таълимда мактаб фаолияти давом этди. 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши даврида таълим тизими маълум қийинчиликларга дуч келди. Кўплаб ўқитувчилар фронтга кетди, айрим мактаб бинолари бошқа мақсадларда фойдаланилди. Шунга қарамай, таълим жараёни тўхтаб қолмади.

Мактаблар фаолияти давом эттирилди. Уруш йилларида: ўқувчилар меҳнат ишларига жалб қилинди; ватанпарварлик тарбияси кучайтирилди; мактабларда фронтга ёрдам акциялари ўтказилди. Бу давр таълим тизими учун қийин бўлса-да, мактаблар фаолияти сақлаб қолинди.

1941 йилга келиб мактаблар сони 5504 тага, уларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 1 млн 315 минг кишига етган [11;460].

1953–1957 йиллар мобайнида Бухоро шаҳридаги ўқув юрти Сурхондарё ва Қашқадарё областларига малакали ўқитувчи кадрлар етказиб беришда катта ёрдам берди.

Бухоро вилоятида мактабларида ўқувчилар билан индивидуал ишлаш масаласи яхши йўлга қўйилган. Дарсда ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, ўқув-тарбия ишларининг юқори савияда бўлишида ўқувчилар билан индивидуал равишда ишлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Мактабларда синфлар, ёшлари бўйича схема ва жадваллар тузилган, боладаги (ўқувчи) камчиликни сезиш билан уни тузатишга киришиш самарали натижа берганлиги матбуот саҳифаларида ўз аксини топган.

Урушдан кейинги йилларда таълим ривожланди. 1945 йилдан кейин таълим тизимини тиклаш ва ривожлантириш ишлари бошланди. Мактаб бинолари таъмирланди ва янги муассасалар ташкил этилди.

1950–1960 йилларда Бухоро вилоятида умумий ўрта таълимни жорий қилиш; мактаблар сонини кўпайтириш; педагог кадрлар тайёрлашни кучайтириш ишлари амалга оширилди. Бу даврда Бухоро вилоятида педагогика билим юртлари фаолият кўрсата бошлади. Улар мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Бухоро вилоятида 1960–1980 йилларда таълим тизими ривожланиши анча кенгайди. 1960–1980 йилларда совет таълим тизими барқарор ривожланиш босқичига кирди. Бухоро вилоятида ҳам мактаблар тармоғи янада кенгайди. Бу даврда: барча болаларни умумий ўрта таълим билан қамраб олишга эришилди; мактабларда фан кабинетлари ташкил этилди; лабораториялар ва устахоналар очилди; политехник таълим жорий қилинди.

Политехник таълим ўқувчиларни ишлаб чиқаришга тайёрлашни мақсад қилган. Шу сабабли мактабларда меҳнат таълими ва амалий машғулотларга катта эътибор берилган.

Бухоро вилоятида таълим тизимида педагог кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилди.

Мактаблар сонининг ортиши педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Шу сабабли педагогика институтлари ва билим юртлири ташкил этилди. Бухоро вилоятида: педагогика билим юртлири; ўқитувчилар малакасини ошириш курслари; методик марказлар фаолият кўрсатган. Бу муассасалар мактаблар учун мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Совет таълим тизимининг хусусиятлари тўғрисида фикр билдирадиган бўлсак, совет даврида таълим тизими бир қанча хусусиятларга эга эди: давлат томонидан марказлаштирилган бошқарув, барча болалар учун бепул таълим, коммунистик мафкурага асосланган тарбия ва политехник таълимнинг жорий қилиниши. Бу тизим аҳолининг саводхонлигини оширишда муайян роль ўйнаган бўлса-да, миллий таълим анъаналари маълум даражада чекланган.

Хулоса қилиб айтганда, Совет даврида Бухоро вилоятида халқ таълими тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Саводсизликни тугатиш, мактаблар тармоғини кенгайтириш ва умумий ўрта таълимни жорий қилиш соҳасида муайян натижаларга эришилди. Шу билан бирга, таълим мазмуни асосан совет мафкурасига бўйсундирилган бўлиб, миллий кадриятлар ва анъаналар чекланган. Аммо мазкур даврда яратилган таълим инфратузилмаси кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А.Музаффаров. Мактаб тўғрисида қонунни амалга оширишдаги биринчи қадамлар. Совет мактаби. Тошкент. Ўрта ва Олий мактаб нашриёти. 10 октябр. 1960.
2. Бобожонова Феруза Хаятовна Бухорода таълим тизими (совет даври мисолида)
3. Murodova Dilrabo Shomurodovna. Buxoro viloyati davlat arxivi tarixi va uning ta'lim muassasalari faoliyatiga oid fondlari . tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (phd) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Buxoro – 2023.
4. Бобожонова Феруза Хаятовна Buxoro viloyatida oliy ta'limning o'rnini va roli (1991-2025 у.у.)
5. Народное образование в Узбекистане. Ташкент. 1947.
6. О.Эшонов. Файзулла Хўжаев. (Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк). Ўзбекистон. Тошкент.-1973.
7. С.Ражабов. Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир. Ўзбекистон ССР давлат ўқув педагогика. Тошкент. 1957.
8. Бобожонова Феруза Хаятовна ЎЗССР маориф халқ комиссарлиги томонидан тасдиқланган “ўқувчи билети”нинг аҳамияти
9. Ф.Ходжаев. Ибранные труды. Том III. Фан. Ташкент. 1973.

10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Шарқ. Тошкент.
11. Бобожонова Феруза Хаятовна 1930-1940-йилларда Бухоро мактаблардаги камчиликларнинг матбуотда ёритилиши.
12. Ўзбекистон тарихи. 3-жилд. — Тошкент: “Фан”, 2000.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2001–2005.
14. Ражабов Қ. Ўзбекистонда таълим тарихи. — Тошкент, 2010.
15. Мавлонов О. Ўзбекистон таълим тизими тарихи. — Тошкент, 2012.
16. Ҳасанов Б. Совет даврида Ўзбекистонда халқ таълими. — Тошкент, 1985.
17. Ўзбекистонда мактаб таълими тарихи. — Тошкент, 1998.